

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари (саккизинчи мақола)



14:05 / 03 май 1298

Ибн Шиҳоб Зухрий розияллоҳу анҳу оз сонли кишилар ичида Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг Уҳуд урушида тутган ўринлари ҳақида:

«Уҳуд куни олти кишидан бошқа барча одамлардан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарлари махфий қолган эди. Улар: Зубайр ибн Аввом, Толҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Каъб ибн Молик Ансорий, Абу Дужона Ансорий ва Саҳл ибн Ҳанийф Ансорийлардир», деганлар.

أَهْنَعُ هَلَلَايَ ضَرَّةَ شِيءٍ أَعْنَعُ
هَلَلَا لُؤْسَ رَرَسَ: تَلْأَق
مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلَص
، هَلَيْلَ نِي دَمْلَا هَمْدُقَم

نَمَ أَحَلَّ اصُّ الْجَرَ تَيْلَ : لَأَقَفَ
ةَلْيَلَّ لَأَيُّنُ سُرْحَيُّ يَبَّاحُ صَا
كَلَذَكُّ نَحْنُ أَنْ يَبَفُ : تَلَأَقُ
يَحَالَسُ ةَشَخُ شَخُّ أَنْ عَمَسُ
نُبُّ دُعَسُ : لَأَقُ ؟ آذَهُ نَمَ : لَأَقَفَ
لُؤَسَرُ ةَلَّ لَأَقَفُ ، صَأَقَوُ يَبَّا
ةَيَلَعُ ةَلَّ لَأَيُّلَّ صِ ةَلَّ لَأَيُّ
: لَأَقَفُ ؟ كِبَّ ءَأَجَّ أَمَّ : مَلَّ سَوُ
يَلَعُ فُؤَخُ يَسُفَنُ يَفَ عَقَوُ
ةَيَلَعُ ةَلَّ لَأَيُّلَّ صِ يَبَّنَّ لَأَيُّ
أَعَدَفُ ، ةُسُرْحُ أَتَّئَجَفُ مَلَّ سَوُ
ةَلَّ لَأَيُّلَّ صِ ةَلَّ لَأَيُّلَّ لُؤَسَرُ ةَلَّ
ةَأَوْرُ . مَأَنَّ مَثَمَّ مَلَّ سَوُ ةَيَلَعُ

مِلْسُ مَوْيِ ذِمَّتِ لَإِ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида бир кеча уйқулари қочди ва:

«Саҳобаларимдан бир солиҳ киши мени кечаси қўриқлаганида эди», дедилар.

Биз шундай ҳолда турганимизда силоҳнинг шитирлаганини эшитиб қолдик. Бас, у зот:

«Бу ким!?» дедилар.

«Саъд ибн Абу Ваққос», деди.

«Нимага келдинг?» дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

«Кўнглимда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан хавотир пайдо бўлиб, у зотни қўриқлагани келдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳаққига дуо қилиб, сўнгра уйқуга кетдилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг истакларига биноан, Саъд ибн Абу Ваққоснинг кўнгилларига илҳом солмаса, бундай иш бўлиши қийин. Қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечаси орзу қилганларига мос келиб, у зотни қўриқлаб, дуоларини олиш. Бу катта гап. Бу шарафга ҳам бошқалар муяссар бўла олмаганлар. Бошлиқнинг амрини бажаришга ҳамма ҳам кетаверади. Аммо улуф зотларнинг кўнгилларидагини топиб, ўша нарсани амалга ошириб, дуоларини олиш алоҳида эътиборга ва мукофотга сазовор ишдир. Саъд ибн Абу Ваққос ана шундай кишилардан эдилар.

(Давоми бор)

Биринчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21415>

Иккинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21437>

Учинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21445>

Тўртинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21465>

Бешинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21501>

Олтинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/21707>

Еттинчи мақола: <https://islom.uz/maqola/22073>

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.